

Ўзбекистон ва Малайзия Ислом молияси бўйича мутахассисларни тайёрлаш доирасида ҳамкорлик қилади



17:01 / 23.03.2023 2010

Бугун Ўзбекистон элчиси Равшан Усманов Малайзия олий таълим вазири Моҳамед Халид Нордин билан учрашув ўтказди. Бу ҳақда «Дунё» АА мухбири хабар берди.

Суҳбат давомида олий таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболлари, шу жумладан Малайзиянинг илғор ислом молияси бўйича тажрибасини Ўзбекистонда татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди.

Моҳамед Халид Нордин Малайзияни икки давлат ўртасидаги маданият ва билим тизимлари кўприklarини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан

тарафдор эканлигини таъкидлади.

«Малайзия ва Ўзбекистон ўртасида олий таълим соҳасидаги икки томонлама дўстона муносабатлар азалдан ривожланиб келмоқда. Малайзия томони олий таълим соҳасида икки давлат учун ўзаро манфаатли бўлган ҳар қандай ҳамкорликни, айниқса олий таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни қўллаб-қувватлайди», деди Моҳамед Халид Нордин.

Хорижий томон Ўзбекистон Банк-молия академияси (БМА) ва Малайзия Ютара университети ҳузуридаги Ислом бизнес мактаби ўртасидаги республикада ислом молиясини ривожлантириш ва ушбу соҳада мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўрнатилган ҳамкорликни олқишлади.

Учрашув якунида жорий йилнинг июнь ойида Малайзия Ютара университети ҳузуридаги Ислом бизнес мактаби делегациясининг Ўзбекистонга амалий сафарини уюштириш ва республика мутахассислари учун семинар ҳамда тренинглари ўтказиш бўйича келишувга эришилди.

Ислом молияси изоҳи: ушбу ташаббус мамлакатимизда ислом молияси ривожланишига катта ҳисса қўшади, деб умид қиламиз ва шу билан бирга ушбу масала юзасидан қуйидаги мулоҳазаларимизни саҳифамиз аъзолари билан бўлишишга қарор қилдик:

Ҳар қандай мамлакатда жорий қилинган тизим, хусусан, ислом банк-молия тизими бошқа мамлакатга тўғридан-тўғри кўр-кўрона кўчирилиши мумкин эмас, чунки ҳар бир мамлакатнинг ўз ривожланиш босқичи, ривожланганлик даражаси, инфратузилмаси, соҳа эко-тизими, халқнинг саводхонлиги даражаси, олимлар ва мутахассислар мавжудлиги ва уларнинг илмий-амалий фаоллиги ва бошқа омиллар инobatга олиниши зарур. Бундан ташқари, Малайзия аҳолисининг аксар қисми Шофеий мазҳабида бўлиб, бу ҳам жумҳурдан муайян даражада фарқ қилувчи Ҳанафий мазҳабига эргашган Ўзбекистон халқи ўртасида баъзи фикрий масалалар борасида тушунмовчиликлар туғдириши мумкин. Шулардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда Малайзияда ислом молияси соҳасида қўлланаётган тажриба бизнинг мамлакатда татбиқ қилинишидан олдин синчковлик билан ўрганилиши, яъни ҳар бир молиявий маҳсулот соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда таҳлил қилиниши ва улар бўйича

тегишли экспертлик хулосалари олиниши зарур, деб ҳисоблаймиз. Зеро, молиявий масалалар ҳалол ва ҳаром билан боғлиқ бўлиб, қандайдир арзимас бўлиб кўринган масала минглаб одамларни луқмасига шубҳа аралаштириб қўйиши мумкин.

Манба: <https://dunyo.info/cyrl/site>